# ҚИШЛОҚ ҲАЁТИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ ГАЗЕТАСИ

1974 ЙИЛ 1 ЯНВАРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

МУАССИСЛАР ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚИШЛОҚ ВА СУВ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИ, «ЎЗМЕВАСАБЗАВОТУЗУМСАНОАТ» УЮШМАСИ

1997 йил 10 июнь. СЕШАНБА № 46 (5.817). Сотувда эркин нархда


## Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Муҳтарам Ислом Абдуғаниевич!

Россия Федерацияси билан Ўзбекистон Республикаси ўртасида давлат муносабатлари асослари, дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисида шартнома имзоланганининг 5 йиллиги муносабати билан россияликлар ва ўз номимдан Сизга ҳамда дўст Ўзбекистон халқига самимий табрикларимни йўллайман.

Бу муҳим ҳужжатнинг имзоланиши мустақил тараққиёт ва ўзаро манфаатли муносабатлар йўлига кирган суверен Россия ва Ўзбекистон ҳаётида янги саҳифа очди.

Шартнома имзоланганидан кейин ўтган вақт Россия билан Ўзбекистон ўртасида янги тарихий шароитда муносабатларни йўлга қўйиш бўйича биргаликдаги саъй-ҳаракатлар, давлатларимиз ва халқларимиз манфаатлари ва орзу-умидларини чуқур англаб, идрок этиш даври бўлди.

Шартнома бизнинг минтақавий ва халқаро даражаларда, жумладан Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги доирасида тинчлик ва халқаро хавфсизликни таъминлаш борасидаги қадамларимизни мувофиқлаштиришга сезиларли даражада имкон берди.

Сизга, муҳтарам Ислом Абдуғаниевич, мустаҳкам сиҳат-саломатлик, ниҳоятда масъул фаолиятингизда янги муваффақиятлар ҳамда дўст Ўзбекистон халқига тинчлик ва фаровонлик тилайман.

**Борис ЕЛЬЦИН,**
**Россия Федерацияси Президенти.**

Москва шаҳри,
Кремль,
1997 йил 24 май.

## Россия Федерацияси Президенти Борис Ельцин Жаноби Олийларига

Муҳтарам Борис Николаевич!

Ўзбекистон Республикаси билан Россия Федерацияси ўртасида давлат муносабатлари асослари, дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисида шартнома имзоланганининг 5 йиллиги муносабати билан юборган табригингиз учун самимий миннатдорлик билдиришимга ижозат бергайсиз.

Бу муҳим ҳужжат янги тарихий шароитда давлатлараро муносабатларни ривожлантиришга сифат жиҳатидан янги туртки бўлгани ҳақидаги фикрингизга тўла қўшиламан.

Ўзбекистон билан Россия кенг ўзаро манфаатлар майдонига ҳамда узоқ муддатли ва ўзаро фойдали ҳамкорлик учун зарур бўлган улкан салоҳиятга эга. Лозим даражадаги сиёсий иродага эга эканмиз, биз ўзаро икки томонлама муносабатларимизни мамлакатларимиз халқлари манфаатларига жавоб бера оладиган янада юксак даражага кўтара олишимизга ишончим комил.

Фурсатдан фойдаланиб, Сизга, муҳтарам Борис Николаевич, мустаҳкам сиҳат-саломатлик ва бардамлик, Россиянинг дўст халқига эса, тинчлик ва фаровонлик тилашга ижозат бергайсиз.

**Ислом КАРИМОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Президенти**

Тошкент шаҳри,
1997 йил 29 май.

## XXI АСРГА ҚАТЪИЙ НИГОҲ

6 июнь куни Ташқи ишлар вазирлигининг Қабуллар уйида хорижий давлатлар дипломатик корпуси вакиллари ва чет эллик журналистлар учун Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» китобининг тақдимот маросими бўлиб ўтди.

Учрашувда сўзга чиққан Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазири Абдулазиз Комилов, Президент Матбуот котиби Мурод Муҳаммад Дўст, Олий Мажлиснинг халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар қўмитаси раиси Эркин Воҳидов, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги стратегик ва минтақалараро тадқиқотлар институтининг директори Миракбар Раҳмонқуловлар ушбу мавзу ва китобнинг ҳуқуқий демократик давлат қуриш йўлидан бораётган мамлакатимиз ҳаётидаги аҳамияти, китоб муаллифи таҳлил қилаётган долзарб муаммолар ҳақида сўз юритдилар.

Жаҳон ахборот агентлиги мухбирлари Тошкентда аккредитациядан ўтган қатор хорижий дипломатлар билан суҳбат уюштирдилар.

**Доктор Иозеф МАЧИШЕК, Словакия Республикасининг Ўзбекистондаги Мувaққат элчиси:**

– Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» номли навбатдаги илмий асарини катта қизиқиш билан ўқиб чиқдим. Китоб кенг ўқувчилар оммасига сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, халқаро ҳуқуқ ва ҳарбий сиёсат, мустақил Ўзбекистоннинг кейинги 2000-йилда барқарор ва қатъий ривожланишига доир саволларга содда ва лўнда жавоблар беради.

Менда Марказий Осиёда асосий хавфсизлик таҳдидлари кўрсатиб берилган биринчи боб алоҳида қизиқиш уйғотди. Бу муаммолар чуқур таҳлил қилинган бўлиб, минтақада геополитик мувозанатни сақлашда, тинчликнинг мустаҳкам пойдеворини яратишда, ҳар бир давлатнинг ва халқнинг фаровонлиги ва гуллаб – яшнаши билан боғлиқ бўлган ички ва ташқи омилларни тушуниб етишда катта аҳамият касб этади.

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтмоқчиманки. Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов ўз асарида муаммоларни ўртага ташлаш билан чегараланибгина қолмай, иккинчи бобда уларни ҳал қилишнинг аниқ йўлларини ҳам белгилаб берган.

Китобни ўқигач, Ўзбекистоннинг буюклигини яна бир бор англаб етдим. Ҳар бир фуқаро шаксиз ўз мамлакатининг кўҳна тарихи билан фахрланиш ҳиссини, давлатнинг мустақилликка эришиши натижасида бутун дунё олдида улкан қудрат ва имкониятлар очилишини ҳис қилиши зарур.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг бу янги асари яқин кунларда бошқа хорижий тилларга таржима қилинишига ва у фақат Ўзбекистондагина эмас, чет элларда ҳам ўқувчилар орасида катта қизиқиш уйғотишига сидқидилдан ишонаман.

**Владимир СМЕТАНИН, Украинанинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси:**

– Матбуотда Ислом Абдуғаниевич Каримовнинг янги китоби босмадан чиққанлигини ўқибоқ дипломатларга бу китобни зудлик билан топиб келишни буюрдим. Жудаям бандлигимга қарамай, бирдан ўқиб тугатдим.

Бу авторнинг қаламига мансуб барча ижодий нарсалар менда катта қизиқиш уйғотади. Бироқ, бу сафар таҳлилнинг чуқурлиги, муаммо қўйилишининг янгича усули мен кутгандан ортиқ бўлиб чиқди. Асарни шунчаки ўқиш мумкин эмас, унинг ҳар бетини алоҳида мулоҳаза этиб ўқиш лозим. Бу эса ўйлашга мажбур этади, китобнинг аҳамияти ҳам шунда. Бу ҳақиқий ва катта олимнинг, донишманд давлат раҳбари ҳамда ўз халқи ва жаҳоннинг тақдири билан куйиб-пишган оддий одамнинг меҳнатидир.

Муаллиф биринчи навбатда миллий давлатчиликни тиклашдаги енгил бўлмаган даврда дуч келаётган муаммолар, минтақа барқарорлигига жиддий хавф солиб турган давр юзасидан мулоҳаза юритади. Бироқ замонавий муҳитнинг аҳамияти шундаки, шунга ўхшаш жараёнлар жаҳоннинг барча нуқталаридаги бошқа давлатларда ва минтақаларда содир бўлиш билан бир қаторда кенг миқёсни қамраб олмоқда. Шу сабабли китоб кўплаб мамлакатларда ўз ўқувчисини топади.

Китобда кўтарилган масалалар, айниқса МДҲ ҳудудидаги янги мустақил давлатлар учун муҳимдир. Ишончим комилки, китоб Украина китобхонлари орасида ҳам катта қизиқиш уйғотади. Ўзбекистон Президентининг асаридан бизнинг сиёсатчилар ва олимлар ўзларини қизиқтирган, қолаверса уларни қийнаётган кўплаб саволларга жавоб топадилар. Шунинг учун мамлакатим ҳукуматига китобни сотиб олиш ва уни украин тилига таржима қилиш юзасидан тавсиялар тайёрламоқдаман.

**Умур АПАЙДИН, Туркиянинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси:**

– Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Ўзбекистон XXI аср бўсағасида китобининг тақдимоти республиканинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида муҳим воқеа бўлди, деган фикримга Ўзбекистонда аккредитациядан ўтган кўпгина дипломатик корпус раҳбарлари қўшилади, деб ўйлайман.

Китоб ҳозирги замоннинг муҳим масалаларига давлатингизнинг муносабатини ва мавқеини чуқур идрок этишда ва ўрганишда муҳим имкониятлар беради. У бизга Ўзбекистоннинг ички ва ташқи сиёсати масалаларини ўрганишда йўлчи бўлиб хизмат қилади.

Мен айни вақтда бу асарни чуқур ва мазмунли таҳлил қила олмаётганимдан афсусдаман, чунки у катта диққат ва эътибор билан ўқишни талаб этади. Бу китобни қисқа муддатда элчихонамизнинг барча ходимлари томонидан чуқур ўрганиб чиқилиши, уларнинг ҳар бири учун фойдали бўлишига аминман.

Мен Тошкентда аккредитациядан ўтган кўплаб элчилар билан фикр алмашиш имкониятига эга бўлдим. Уларнинг ҳаммаси ушбу китоб ҳам Ўзбекистон Республикаси Президенти И. Каримовнинг аввалги илмий асарлари каби ҳар бир дипломатнинг ишида ўта фойдали бўлади, деб бир овоздан таъкидладилар.

Китобнинг кўп тилларда нашр қилинишига ва хорижлик кенг ўқувчилар оммасини у билан яқиндан танишувига умид қиламан.

**Набиль АЛ-ЛАҲАМ, Фаластиннинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси:**

– Мен Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов томонидан олиб борилаётган сиёсатни тўлалигича қўллаб-қувватлайман. У тинчлик ва барқарорликни фақат Ўзбекистондагина эмас, балки бутун минтақада сақлашга қаратилган. Президент И. Каримовнинг янги китоби барча Марказий Осиё давлатлари учун муҳим ҳаётий аҳамиятга эга бўлган кенг масалаларни қамраб олган.

Деярли олти ой давомида Ўзбекистонда содир бўлаётган ўзгаришларни диққат билан кузатиб бораман. Ижобий ўзгаришларнинг натижалари сиёсатда, иқтисодда ва миллионлаб Сизнинг фуқароларингизнинг ҳаётида сезилиб турибди. Бунинг натижасида Ўзбекистон халқаро ҳамжамиятда катта нуфузга эгадир. Бу нуфуз минтақадаги тинчликни ва барқарорликни мустаҳкамлашда мамлакат раҳбариятининг улкан саъй-ҳаракатлари орқали кучаймоқда.

Ислом Каримовнинг хавфсизлик муаммоларига бағишланган янги асари жаҳон ҳамжамияти фаолиятининг жўшиб турган юз йиллигида асосий мазмун бўлиб қолади.

Китоб ўқувчини асосий фикрга йўналтирувчи жуда тўлиқ ва чуқур таҳлилга эга: бу муаммолар мамлакатлар ва минтақаларга бўлинмайди, улар глобал характерга эгу бўлиб бутун дунё ҳамжамиятларининг умумий ҳаракатлари билангина ҳал этилади.

Бу китобнинг илмий ва сиёсий қимматини баҳолаш қийин. Турли мамлакатларнинг сиёсатшунослари, дипломатлари ва олимларининг бу китоб билан танишишлари учун уни тез орада хорижий тилларда нашр қилиш зарур деб ҳисоблайман.

**«Жаҳон» ахборот агентлиги**

### *Ғалла мустақиллиги — Истиқлол таянчи*





**Мамлакатимизда, шу жумладан Сурхондарё вилоятида ғалла ўрим-йиғими кундан-кунга қизғин тус олаяпти. Ангор туманидаги акциядорлик жамияти асосан чорвачиликка ихтисослашган. Кейинги йилларда бу ерда мамлакатимизнинг ғалла мустақиллигини таъминлашга муносиб ҳисса қўшиш ва айни пайтда чорвачиликнинг озуқага бўлган талабини қондириш мақсадида ғаллачилик борасида ҳам яхши натижаларга эришилаяпти. Бу хўжаликда 160 гектар майдонда буғдойдан яхши ҳосил етиштирилиб, шу кунларда уни саранжомлаш жадал олиб борилаяпти.**

**Суратларда: 1. Ангор акциядорлик жамияти етакчиси Сармон Шониёзов, агроном Ўрол Рўзиев ва бригада бошлиғи Исмоил Чориев ғаллазорда. 2. Комбайнчилардан Исмоил Тўрақулов ва Абди Жумаев.**

**И. ХЎЖАЕВ олган суратлар (ЎзА).**

## МАВСУМ ТАЛАБИ

— Бу йил ҳосил мўл бўлди, дейишмоқда Бухоро вилояти ғаллакорлари. Бунга уларнинг асоси бор. Бухороликлар жорий йилда бошоқли донни ўришга ҳар галгидан эрта тушишди. Вилоят бўйича шу йил 6 июнга бўлган маълумотларга қараганда, мавжуд 60 минг гектар ғалланинг 4 минг 487 гектари ўриб бўлинган. Ваҳоланки, ўтган йили шу муддатда бу рақам бор-йўғи 187 гектар эди.

Айни кунларда улар ғалла ўрими суръатини кундан-кунга оширишмоқда. Вилоятда шу йил 2 июнь куни 114 та комбайн бошоқли дон ўримига чиқиб, кунига 699 гектар ердаги ғаллани саранжомлаган бўлса, 5 июнь куни комбайнларнинг чиқиши 217 тага етказилди ва кунлик ўрим-йиғим 1111 гектардан ошди.

Ғалла ўримида вилоятдаги мавжуд 22 та «Кейс» комбайнларининг самарадорлиги яхши бўлаяпти. Бундан ташқари бу ерга Қорақалпоғистон Республикасидан 8 та «Кейс» комбайнлари олиб келинди. Бу техниканинг ҳар бири бир кунда ўртача 25 гектар ердаги ғаллани ўриб олмоқда. Шундай қилиб «Кейс»нинг ҳар бири 4-5 та «Енисей» комбайнининг ишини бажармоқда.

Вилоятда ғаллакорларнинг самарали меҳнат қилишлари учун шарт-шароит яратиляпти. Бунга Ромитан туманининг «Ромитан» жамоа хўжалигида бўлганимизда ишонч ҳосил қилдик. Хўжаликнинг биринчи бригадасида иш қизғин. Бу ерда Нусрат Бозоров, Амир Ражапов ва Суннат Усеновлар навбатма-навбат бошқараётган «Кейс» комбайни бетиним ишлатилмоқда. Механизаторлар замонавий «Кейс» комбайнининг сир-асрорларини мукаммал эгаллашган. Уларнинг ишларида узулиш бўлмаслиги учун туман машина-трактор парки мутахассислари яқиндан ёрдам кўрсатиб туришибди. Комбайн янчиб берган дон машиналар ёрдамида пешма-пеш омборларга етказиб берилмоқда. Уғирлик ва бошқа кўнгилсизликлар содир бўлмаслиги учун ғаллазорда тиббиёт, ички ишлар, ёнғин хавфсизлиги бўлимлари ходимлари ҳозиру нозир.

— Бу комбайнчилар гуруҳи пудратчи Бибиражаб Ширинова ғалласини ўриб-саранжомламоқда,-дейди туман ҳокимининг ўринбосари Йўлдош Жумаев. — Пудратчининг 4 гектар ери бор. Ҳозиргача шунинг уч гектари ўриб бўлинди. Яна бир гектар ўрилса, ҳосилдорлик 45 центнердан ошиб кетиши аниқ. Туманда бундан ҳам яхши кўрсаткичларга эришган деҳқонларимиз сероб. Масалан, шу хўжаликда бошоқли дон етиштирган Номоз Ҳайдаров бошчилигидаги оилавий пудрат ғаллакорлари 6 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 71 центнердан ҳосил йиғиштириб олдилар, «Челонғу», «Нурафшон» жамоа хўжаликларида ҳам гектарига 60 центнердан ошириб хирмон уйганлар бор.

Ғалла ўримида қатнашаётганлар моддий ва маънавий рағбатлантириляпти. Ўрилган ҳар гектарга 125 сўмдан пул тўланаяпти. Механизаторларнинг ҳар бири яқинда 5000 сўмдан ойлик олишди. Бугун-эрта улар яна иш ҳақи оладилар. Бундан ташқари ғаллакорларга ун, ёғ, шакар, гуруч каби кундалик озиқ-овқат маҳсулотлари берилаяпти. Механизаторларни моддий рағбатлаштириш мақсадида ҳокимлик томонидан мукофотлар ажратилган. Унга асосан биринчи ўринни олганга видеоиккилик, иккинчи ўринга музлатгич, учинчи ўринга гилам совға қилинади. Шунингдек, тумандаги бошқа ташкилотлар ҳам илғор ғаллакорларга ўзларининг қимматбаҳо мукофотларини таъсис этган.

### *Ўрим-йиғим қандай бормоқда?*

Шуниси эътиборга лойиқки, ғаллакор «Кейс» комбайнининг сомонни сочиб кетмаслигини таъминладилар. Бунинг учун бу замонавий техниканинг сомон сочар вентилятори ўчириб қўйилса, бас. У майдаланган сомонни бир қаторга тахлаб кетаверади. Буни йиғиб олиш учун эса Германиянинг «Марал» ўт ўриш комбайнларидан фойдаланилаяпти. Унинг ёрдамида сомон янада майдаланган ҳолда тележкаларга ортилмоқда. Натижада ер тозаланиб, такрорий экинга тайёрланмоқда.

Ҳақиқатдан ҳам бутун Бухоро ғаллазорларида иш қизғин. Уни янада жадаллаштириш мумкинми? Албатта..!

Вилоятда 374 та ғалла ўриш комбайнлари мавжуд. Биз Бухорода бўлган куни эса унинг 217 таси ўримда қатнашди. Яъни шу куни 157 та комбайн ғалла ўримига чиқарилмади. Бунинг сабабини вилоят қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари Саид Оққиевдан сўраганимизда, «Ҳали ғалланинг ҳаммаси ҳам пишиб етилмади», деди. Бу гапда ҳам жон бор. Бироқ маълумотларни синчиклаб ўрганадиган бўлсангиз, бунинг аксини кўрасиз. Яъни шу йил 6 июнигача вилоятда 39 минг 766 гектар майдондаги ғалла тўла пишиб етилган. Бу умумий ернинг яримдан кўпи, демакдир. Боз устига ҳар куни 2 минг гектардан зиёд ғаллазор тўла пишиб ўришга тайёр ҳолга келмоқда. Далада ишлаётган комбайнлар эса бунинг ярмини ҳам ўриб янчиб улгурмаяпти. Шундай экан, вилоятдаги қолган комбайнлар нега ҳаракатсиз турибди? Масалан, Ромитан туманида 6 июнгача 4 минг 704 гектар майдон ўришга тайёр эди. Аммо шу куни туманда мавжуд 32 та комбайндан бор-йўғи 19 таси қатнашди. 96 гектар майдондаги ғалла ўрилди, холос. Мавсум бошидан эса бу рақам 385 гектарни ташкил этди. Ғиждувон туманида ҳам ғалланинг ярми пишиб етилди. Бироқ туманда бир кунда бор-йўғи 37 гектаргина бошоқли дон ўрилди ва мавсум бошидан буён бу рақам 141 гектарга етказилди.

Вилоят бўйича комбайнларнинг самарадорлиги мавсум бошидаги 6,1 гектар ўрнига 5,1 гектарга тушиб қолди. Қоракўл туманида ҳар бир комбайннинг иш унумдорлиги кунига 3,4 центнерда қолди. Туманда мавжуд 5 минг 470 гектар ердаги ғалланинг ҳаммаси пишиб етилганлигига қарамай, шу кунгача 455 гектарда бошоқли дон ўрилди.

Бу йил вилоят бўйича ғалладан бўшаган 51 минг гектар ерда такрорий экинлар экилиши керак. Лекин бу борадаги иш ҳам ҳали талаб даражасида эмас. Ғалла ўримидан анча ерлар бўшаб қолган. Қоракўл, Қоровулбозор, Пешку, Ромитан туманларида бу юмушга ҳали киришилгани йўқ.

Мавсум талаби қатъий: пишиб етилган ғаллани тез ва соз ўриб олиш — бугуннинг бош вазифаси. Бунинг учун мавжуд техникадан самарали фойдаланиб, катта хирмонни тезроқ тикламоқ керак. Ҳеч ерда пишиб етилган бошоқлар тўкилиб, умумий ҳосилга путур етишига йўл қўйиш мумкин эмас.

**Ғулом ЮСУПОВ,**
**«Қишлоқ ҳаёти» мухбири.**

### *Элликқалъадан қўш хушхабар*

## Ғўза гул кўрсатди

Ғўзани плёнка остида ўстириш усулининг истиқболли эканлигини пахтакорларимиз барча вилоятларда амалда исботламоқдалар. Қорақалпоғистоннинг шимолий қисмида жойлашган Элликқала туманида июнь ойининг биринчи беш кунлигида ғўза гуллаганлиги фикримизнинг далилидир. «Қирққизобод» деҳқон-фермерлар уюшмасининг Ойбек Матчонов бош бўлган фермер хўжаликда ғўзалар гул кўрсатди. Жамоа аъзолари ўзларининг тасарруфидаги ўн гектар майдоннинг ҳаммасига плёнка остига чигит экишганди. Ниҳолларни парваришлаш ишларининг ҳаммаси оби-тобида ўтказилди. Ҳозир ғўзалар баравж ўсмоқда.

— Плёнка остига чигит экиш Қорақалпоғистон шароитида ҳам ўзини оқламоқда, — дейди Элликқалъа тумани ҳокимлигининг мутахассиси Абажон Шириев. — Июнь ойининг бошида ғўза гуллаши биз учун катта ютуқ. Боиси бизда одатда июнь ойининг охирларида ғўза гуллайди. Демак, ҳосилни йиғиштириб олиш ҳам 20-25 кун илгари бошланади. Ҳозир, плёнка остига экилган майдонлардаги ниҳолларнинг оддий усулда экилганига нисбатан ривожи анча олдин. Мамлакатимиз пахтачилигида қўлланилаётган янги усулнинг туманимиз шароитида ҳам яхши самара бераётганлиги пахтакорларни хурсанд қилмоқда

## Миришкорлар ортиғи

Туманнинг «кумуш тола» ижодкорлари шартномада белгиланган топшириқни ортиғи билан адо этдилар. Қабул пунктларига 112 тонна ўрнига 114 тонна сифатли пилла топширилди. Пиллакорларга яхши шарт-шароит яратилганлиги, мавсум давомида уларнинг ҳолидан хабар олиб турилганлиги боис муваффақиятта эришилди.

Қўлга киритилган ғалабага Ал-Хоразмий номли, Ғ. Одилов номли, «Дўстлик», «Қилчиноқ» деҳқон- фермерлар уюшмалари муносиб ҳисса қўшдилар.

Кўпгина пиллакорлар топшириқни қарийб икки баравар бажариб, энг юқори натижага эришдилар. «Қилчиноқ» хўжалигидан Оқилхон Алимова бир қути уруғдан 107 килограмм, Турсуной Турениёзова бир ярим қутидан 134 килограмм, Ал-Хоразмий номли хўжаликдан Зуҳра Эгамбердиева икки қутидан 173 килограмм, «Тоза Амиробод» уюшмасидан Зебо Аширова икки қутидан 176 килограмм «кумуш тола» топшириб, ҳамкасбларига ўрнак бўлдилар.

**Ҳ. КАРИМОВ,**
**«Қишлоқ ҳаёти» мухбири.**

*ҚОНУН БАРЧАГА БАРОБАР*

# ҲУҚУҚБУЗАР ХАВФГА БОТАР, ҚИНҒИР ЮРГАН ЖАЗО ТОРТАР

Аҳолининг ҳуқуқий маданият даражасини ошириш ва ёшларга ҳуқуқий тарбия бериш масалаларида ҳукуматимиз раҳбарлари узоқни кўзлаб, порлоқ келажакка мустаҳкам пойдевор яратиш мақсадида изчил тадбирлар кўрмоқда. Президентимиз Ислом Каримов нуфузли минбарлардан туриб, демократик давлат қуришда ҳуқуқ-тартибот органларининг роли, одамларнинг ҳуқуқий давлат қуриш жабҳасидаги вазифалари ва бурчлари, инсон манфаатларини давлат ва жамиятники билан уйғунлаштириш тамойиллари хусусида қайта-қайта таъкидлагани бежиз эмас.

Кейинги ойларда Сирдарё вилояти ҳуқуқ-тартибот идораларининг фаолияти жонланмоқда. Интизомни мустаҳкамлаш, ичкиликбозликка қарши курашиш, тартиббузарликларга чек қўйиш борасида талайгина ишлар амалга оширилаётир. Айниқса, йўлларда ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш, йўл транспорти ҳодисаларининг олдини олиш чоралари кўрилаётир.

Вилоятда ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш, фуқароларнинг қонун меъёрларига оғишмай амал қилиш жабҳаларида муҳим қадамлар қўйилмоқда. Жойларда меҳнат интизомини мустаҳкамлаш, аҳолининг ҳуқуқий онг даражаларини ошириш, қонунчиликка қатъи риоя этилиши юзасидан йўл-йўриқлар берилмоқда.

Энг муҳими, йўл ҳаракати хавфсизлиги тартиб -қоидаларини бузган ҳар қандай ҳайдовчи, ким бўлишидан қатъи назар — хоҳ у раҳбарми, оддий ҳайдовчими, барчаси қонуний жазо олишини таъминлаш учун қатъият кўрсатилаяпти. Барча кўнгилсиз воқеалар ичкилик оқибатида рўй бериши маълум. Бу жирканч иллатга «ошно» бўлиб бурдини йўқотган, обрўйини саробга айлантираётганлар учраб турибди. Бу ташвиш барчани янада қатъийроқ, муросасизроқ бўлишга чақирмоқда.

Азал-азалдан ичкиликка ружу қўйганлар эл орасидан четга чиқиб қолаверган. Не-не машаққатлар эвазига йиғилган обрўлари шароб ботқоғига ғарқ бўлганларни бир кўз ўнгингизга келтиринг. Ароқни оғзига олганлар ДАН қармоғига илиниб пушаймон бўлмоқдалар. Шу йилнинг 5 ойида 1749 нафар ҳайдовчи ичиб олиб рулга ўтирганлиги аниқланди. Бу рақам ўтган йилнинг беш ойига нисбатан икки баравар кўп. Хўш, нега шундай? Ҳайдовчилар нега қонунчиликка амал қилишмайди? Ичиб олиб автомашина бошқараётганлар рўйхатини ўқиб, ҳайратдан ёқа ушлайсан, киши. Оддий ишчи, бригадир, инженер, ўқитувчи, ҳарбий зобит, божхона, солиқ инспекцияси ходимлари...

Энг ачинарлиси шуки, сичқон сиғмас инига, ғалвир боғлар думига, қабилида иш тутган, ичиб рулга ўтирган тракторчилар анчагина. Ҳеч жойда ишламай юрган ҳайдовчилар орасида ҳам ичиб олиб қонун бузаётганлар талайгина. Шулардан 8 нафар ҳайдовчи йилнинг биринчи чорагида йўл транспорт ҳодисаси содир этди. Оқибатда бир киши ҳалок бўлди, етти киши тан жароҳати олди.

Мустақил мамлакатимизда солиқ ходимларига жуда катта ҳуқуқ-ваколатлар берилган. Улар солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларига амал қилинишини мунтазам назорат қилишяпти. Аммо айрим солиқ инспекторлари бошқаларга ўрнак бўлиш ўрнига ўзлари қонун-қоидаларни бузмоқдалар, ичиб маст ҳолатда автомобил бошқаришмоқда. Оқолтин тумани солиқ инспекцияси ходими Қаҳрамон Паттаев йигирма беш ёшда. У ВАЗ-2103 маркали шахсий автомашинасини ичиб олиб бошқарганлиги учун Давлат автомобил назорати инспектори қармоғига илинган. Ҳайдовчилик гувоҳномаси олинган эди. У қилмишига пушаймон бўлгандир, тегишли хулоса чиқаргандир, деб ўйларсиз. Йўқ, сабоқ чиқармади. Орадан ўн беш кун ўтгач, солиқчи яна ичиб, маст ҳолда ўзининг шахсий автомашинасини бошқарганда миси чиқди. Яхши отга бир қамчи деганлар. Ёмондан ўзи асрасин. Хўш, Қ. Паттаевнинг бу қилиғини туман ҳокимлиги, солиқ инспекцияси раҳбарлари қандай баҳолар экан? Айни далада иш қизғин палла. Бир томонда буғдой ўрими суръати, яна бир томонда ғўзага ишлов бериш юмушлари. Эчкига жон, қассобга ёғ қайғуси дегани бежиз эмас экан. Шароф Рашидов туманидаги «Пахтаобод» жамоа хўжалиги бригада бошлиғи Ғойиб Тожиев шу йилнинг 1 июнь куни ичиб олиб машинасини ҳайдаб кетаётганида тўрга илинди.

Ховосдаги кимёвий моддалар базаси омбор мудири ҳам ҳаракат хавфсизлиги тўғрисидаги қонун-қоидаларни назар-писанд қилмайди чоғи, йўқса у ичиб олиб рулга ўтирмас эди.

Лавозимларда ишлаб бошқаларга ахлоқ-одоби, туриш-турмуши билан ибрат бўлишга масъул раҳбарлар ичиб олиб рулга ўтирса, бошқаларга унинг нимасини ибрат қилиб кўрсатасиз?! Ичиб олиб белгиланган тартиб-қоидаларга амал қилмаётган масъул лавозимли раҳбарларнинг қилмишларини кечириб бўладими? Хушёр турмуш тарзи берган неъматлардан бебаҳра қолаётганлар, нафс кўйига тушиб, шарманда бўлаётганлар охир-оқибатда юзи ерга қараб қолаверади.

Вилоят ички ишлар бошқармасининг барча ходимлари қаторида Давлат автомобил назорати нозирлари ҳам республикадан четга ноқонуний равишда моддий товар бойликлари олиб чиқиб кетувчиларга қарши кескин чоралар кўрмоқдалар. Беш ой давомида 212 та шундай кўнгилсиз факт аниқланди. 2 миллион 988 минг сўмлик қийматдаги моддий бойликлар ушлаб қолинди.

Аҳолининг ғалла маҳсулотларига бўлган талаб-эҳтиёжини қондириш мақсадида бетиним ҳаракат қилинаётган бир пайтда қайсидир нафс балосига учраганлар буғдой ва ун маҳсулотларини четга чиқариш эвазига чўнтакларини қаппайтираётганига асл фуқаро бефарқ қараб туролмайди.

Қисқа фурсатда 6 тоннаю 141 килограмм буғдой, 7 тоннаю 284 килограмм ун, бир минг уч юз йигирма еттита нон республикамиздан ноқонуний равишда олиб чиқиб кетилаётганида Давлат автомобил назорати хушёр нозирларининг қармоғига илинди.

Аҳолининг ўсимлик ёғига бўлган талаби қондирилиши муҳим вазифалардан. Беш ойнинг ўзида 156,8 минг сўмлик пахта ёғини четга олиб чиқишга уринганларнинг сири фош бўлди.

Шулар қаторига кимёвий ўғитларни қинғир йўллар билан четга чиқаришга уринаётганлар ҳам киради. Қаранг, бир юз ўттиз бир тонна селитрани четга чиқармоқчи бўлганлар қўлга тушди. Айниқса, қўшни Тожикистон давлати билан чегарада жойлашган «Наврўз» ДАН масканида нозирлар сергаклик ва хушёрлик билан бурчларини бажармоқдалар. Ҳар куни иккитадан ДАН зобити навбатчилик қилмоқда.

Ҳозир ғалла ўрими қизғин. Албатта, бу борада барча юмушлар техника зиммасида. Ҳайдовчилар ва хўжаликлардаги транспортларга жавобгар шахслар қаторида ғаллани нес-нобуд қилмай, талон-торожликларга йўл қўймай йиғиштириб олишга давлат автомобил назорати ходимлари ҳам бурчлидирлар. Юклаш ва ташиш техникаларининг созлиги, уларни бошқараётган ҳайдовчиларнинг белгиланган тартиб-қоидаларга сўзсиз амал қилишлари назорат қилинаётир.

Ғалла — нон, ғалла — иймон. Шундай экан бир бошоғини ҳам увол қилмай катта хирмонлар яратиш йўлида ғаллакор билан елкама-елка туришга бел боғлаганмиз.

**Захриддин МУХИДДИНОВ,**
**Сирдарё вилояти ички ишлар бошқармаси Давлат автомобил назорати бўлими бошлиғи, милиция полковниги.**

# ЯХШИДАН БОҒ, ҚУТЛУҒ НОМ ҚОЛУР

*Чин инсон дунёда эзгу орзу-ниятлари билан яшайди. Беғубор ниятларининг ушалмоғи йўлида сидқидил меҳнат қилади. Дарҳақиқат, бу ёруғ оламда яшашнинг ўзи улуғ бахт, бебаҳо неъматдир. Яхши яшаш, мазмунли ҳаёт кечириш эса курашлардан иборат.*

*Ҳар гал она қишлоғим Ўрмонбекда бўлганимда, қишлоқ ҳуснига, сўлим, баҳаво ҳордиқгоҳларига тўймайман. Қишлоғимни шу қиёфага киритишда жонбозлик қилган инсонлар ҳақида ўйлайман. Шундай фидойи инсонлардан бири Абдукарим Мўминов эди. Абдукарим ака асли деҳқон ўғли. Болалиги Балиқчи туманидаги сўлим Ўрмонбекда кечди. Изланувчан, ўқувли йигит Андижондаги қишлоқ хўжалик техникумида ўқиди. Битиргач меҳнат фаолиятини 1954 йилда жамоада агрономликдан бошлади. Ўз вазифасига масъулият билан ёндошиб, эл назарига тушди. У даврларда раис вазифаси ҳам унга юклатилган эди. Дастлаб у бирмунча қийналди.*

*Бу борада йигитга отаси Мўминбой ота, онаси Буҳожалой опа, устозлари ва дўст-ёрлари маслаҳати асқотди. Аста-секин деҳқончилик, чорвачилик, умуман қишлоқ хўжалигининг барча жабҳаларида ишлар юришиб кетди. Серғайрат, ўктам ўғлон 25 ёшида ҳозирги Абдукарим Мўминов номли жамоа хўжалигининг раиси этиб тайинланди. Қишлоқларни обод этди. Элу юрт манфаати йўлида қилинган ҳалол меҳнат туфайли халқ ҳурматини қозонди.*

*У қаерда ишламасин каттани «ака», кичикни ука деб, меҳрини ҳеч кимдан аямади. Орада Андижон пахтачилик институтини сиртдан тамомлаб, олим-агроном бўлди. Балиқчи, ундан сўнг Комсомолобод туманларида масъул вазифаларда ишлади. Комсомолобод туманига ҳоким этиб сайлангач, чўл зона мисли кўрилмаган даражада ўзгарди.*

*Халқимиз Абдукарим акани жуда-жуда севарди. У ҳам ўз ўрнида бор меҳрини халқига бағишлади.*

*Умр мисли оқар сув экан. Инсонларнинг қилган эзгу ишлари ҳайкал сингари ҳамиша инсонлар ёдида яшайди. Барпо эттирган бинолари, обод қилган қишлоқлари, сув чиқарган экинзорлари барча-барчаси қишлоқдошларимизга А. Мўминовни доимо эслатиб туради.*

*Абдукарим ака тарбия берган 11 нафар фарзанди ҳам эл корига ярайдиган инсонлар бўлиб етишди. Тўнғич ўғли Абдураҳим қишлоқдаги 19-мактабда директор, Ҳошимжон қишлоқ фуқаролар кенгаши раиси, Муножат, Фотима, Зуҳро, Комуна, Саида, Ёқубжон, Наималар муаллим, Қобилжон эса ота касбини танлаган, агроном. Кенжа фарзанд Танзила эса мактабда ўқимоқда. Турмуш ўртоғи руҳига тиловатлар ўқиб, катта оила бошлиғи ўрнига қолган Каромат аянинг борлиги фарзандлар учун катта бахт.*

*Яхшидан боғ қолади, қутлуғ ном қолади. Балки, бу ҳикмат юзлаб, минглаб фидойи Абдукарим акадек ҳалол, пок, заҳматкаш юрт ўғлонлари учун айтилган бўлса, не ажаб!*

Нилуфар ДАВИДОВА.

*1997 йил — Инсон манфаатлари йили*

# ОТАХОНЛАР ДУОСИ

Қашқадарёнинг Муборак туманида инсон манфаатлари йилида уруш ва меҳнат фахрийларига ҳар томонлама ёрдам кўрсатиш режаси ишлаб чиқилган. «ЭКОСАН» халқаро жамғамрасининг туман бўлими 45 нафар фахрийларнинг Самарқанд ва Тошкент шаҳарларига уюштирган саёҳати ҳам ана шу режанинг амалий ижросидан бир далилдир. Биргина шу тадбир учун жамғарма 75 минг сўм пул ажратди. Муборaклик отахонлар билан учрашувда уларнинг дил сўзларини қоғозга тушириб олдик:

**Ғайбулла ТЎХТАЕВ,**
**Муборак тумани «Нуроний» жамғармаси раиси, меҳнат фахрийси**

— Туманимиз ҳудудида 62 нафар уруш қатнашчилари ва ногиронлари, 70 нафар уруш ортида хизмат қилганлар, жангга жўнаган умр йўлдошини бир умр мотамсаро кутган 12 нафар бевалар яшайди. Меҳнат фахрийларининг сони 3,5 мингдан зиёд. Уларнинг ҳаммаси бугун меҳр-муҳаббат қучоғида, чексиз ҳурмат-эътибор ва иззат-икром кўриб, қарилик гаштини сурмоқдалар. Бу нуроний инсонлар 4 та қишлоқ ва 9 та шаҳар фуқаролар йиғини ҳудудларида истиқомат қилишади. Уларни Наврўз, мустақиллик байрамларида, ҳар иккала ҳайитда, қариялар, ногиронлар кунида моддий ва маънавий рағбатлантирамиз. Фахрийлар тумандаги ташкилот ва корхоналарга бириктириб қўйилган. Ҳомийлар ҳам кексалардан ўз ёрдамини аямаётир. Эл-юрт ҳурматига сазовор бу отахонлар ўзларига тегишли барча имтиёзлардан тўла фойдаланадилар. Тумандаги тадбиркор ва мулкдорлар ҳам уларга саховатпешалик кўрсатишмоқда.

Менинг 40 йиллик меҳнат фаолиятим мактаб билан чамбарчас боғлиқ. Ёшларга сабоқ ўтдим. Ҳозир нафақадаман.

Ёши улуғ отахонларнинг савобини олаяпман. «ЭКОСАН» бўлими ёрдамида Амир Темур ва Темурийлар даври музейига уюштирилган сафар ҳаммамизни хушнуд этди. Теварак-атрофдаги файзу-тароват, теп-текис ўсаётган мовий майсаларни кўриб қалбу дилимиз яйради. Ҳавас қилса, фахрланса арзийдиган муҳташам кошона. Ҳали бундай гўзал иморатлар юртимизда кўплаб қурилади.

**Чори ЯХШИЕВ,**
**«Қорлиқ» жамоа хўжалиги фахрийси**

— Қашқадарё воҳасининг Қорлиқ қишлоғида туғилганман. Ҳозир 75 ёшдаман. Урушдан сўнг қишлоғимга қайтиб бахтимни топдим. Савдо соҳасида узоқ йиллар ишладим. Аллоҳга шукрим кўп: 12 нафар фарзанднинг отасиман. Умр оқар сув, бир жойда тўхтаб турмайди. Бир пасда ўтиб кетганини сезмай ҳам қолди, киши. Аммо ҳаётда яхшилик беиз кетмайди.

**Йўлдош ТЎХТАЕВ,**
**«Хитой» жамоа-ширкат хўжалиги фахрийси**

— Ғалабадан сўнг Ватан қучоғига қайтдим. Деҳқончилик билан шуғулланиб, аввалига буғдой ва арпа ўстирдик. 1951-1965 йиллари Мирзачўлни ўзлаштирувчилар сафида бўлдим. Ун беш йил қўриқ ер очдик. 9 нафар фарзандим бор. Бариси эсли-хушли. Ўғлим — Мели Йўлдошев туман ҳокимининг ўринбосари. Яна бири пахта бригадири. Эл-юрт хизматига камарбасталар. Бугунги ёруғ кунларга шукронамиз кўп, болам. Қўшни мамлакатларда халқ тинч эмас. Шундан безовтамиз. Дунёда ҳеч қачон уруш бўлмасин. Тинчликнинг қадрига етинглар. Деразаси нурдан ёришиб, қўшиқ садолари янграб турган хонадонларда яшашга нима етсин.

* * *

Фахрийлар таъкидлаганидай, тинч ва осуда, хавф-хатарсиз ушбу дориломон кунлар қадрига етиб яшасак, асло адашмаймиз.

**Давлатмурод САЪДУЛЛАЕВ,**
**«Қишлоқ ҳаёти» мухбири.**

# ҲИССАДОР АКЦИЯДАН МАНФААТДОР

Кейинги бир неча йил ичида мулкчилик борасида жиддий ўзгаришлар юз берди, хусусан, кўплаб ҳиссадорлик жамиятлари ташкил топди. Бу жараён хўжалик юритишга, меҳнат жамоаси аъзоларининг онгига қандай таъсир кўрсатмоқда?

Ушбу саволларга жавоб излаб «Ўзмевасабзавотузумсаноат» республика уюшмасида бўлганимизда очиқ турдаги «Тошкентвино» ҳиссадорлик жамияти фаолияти билан яқиндан танишишни тавсия қилишди. Зеро, ўтган йил якунлари бўйича корхонада номинал қиймати 1670 сўмлик ҳар бир акцияга 2415 сўмдан дивиденд тўланибди. Бу «Ўзмевасабзавотузумсаноат» уюшмаси бўйича энг юқори кўрсаткичлардан биридир.

— Умуман, очиқ турдаги «Тошкентвино» ҳиссадорлик жамияти соҳамизнинг юзини ёруғ қилиб турган таянч корхоналаримиздан биридир, — дейди уюшма виночилик саноати бошқармаси бошлиғи Х. Жалилов. — Давр тақозосига кўра кун тартибига қўйилган мулкчилик шаклини ўзгартириш масаласига ҳам бу ерда жиддий ёндашилгани сабабли натижа чакки бўлаётгани йўқ.

Мана, корхона раҳбари ҳузуридамиз.

— Очиғини айтганда, хўжалик юритиш борасида бошқалар билмайдиган бирорта сиримиз йўқ, — дейди ҳиссадорлик жамияти бошқаруви раиси Муроджон Аҳмедов муваффақиятлар боиси хусусида суриштирганимизда. — Ҳамма гап ишлаб чиқаришнинг тўхтаб қолишига йўл қўймасдан корхонанинг бир маромда ишлашига эришишдан иборатдир. Шу жиҳатдан олиб қараганда ўтган йили ўз кучимиз билан қўшимча спирт цехини қуриб ишга туширганимиз жуда қўл келмоқда. Чунки бу хом ашё муаммосини тўла ечишга имкон берди, четдан спирт қидиришга ҳожат қолмади. Нисбатан арзонроқ ва сифатли маҳсулот ишлаб чиқаришга йўл очди.

Муроджон Маҳмудович корхонанинг самарали фаолият юргизиши билан боғлиқ бошқа омилларга ҳам тўхталди. Ҳақиқатан ҳам, бу омиллар ичида одатдан ташқари бирор тадбирни учратиш қийин. Зеро, муттасил равишда маҳсулот сифатини яхшилаб бориш, ҳисоб-китоб ишларини тўғри йўлга қўйиш, барча солиқларни вақтида тўлаб туриш, меҳнат жамоаси аъзоларининг ишдан манфаатдорлигини таъминлашга эришиш каби омиллар муҳим аҳамият касб этишини ким ҳам билмайди, дейсиз?

Мана шулар ҳақида ўйлаганингда ишни омилкорлик билан олиб бораётган раҳбарлар, меҳнат жамоалари аъзоларининг ғайрат-шижоатига тан берасиз. Очиқ турдаги «Тошкентвино» ҳиссадорлик жамияти ҳам, шубҳасиз, давримиз билан ҳамқадам фаолият юргизаётган етакчи корхоналардан биридир. «Меҳнатнинг таги роҳат» деганларидек, корхона аҳлининг қизғин фаолияти кишиларнинг моддий турмушлари кун сайин яхшиланишига олиб келмоқда.

— Маош ва йилнинг ҳар чораги якунларига кўра тўланаётган дивидендлардан ташқари ишчи-хизматчиларимизга тиббий хизмат кўрсатиш бепулдир, — дейди ижтимоий масалалар бўйича директор муовини И. Н. Лексин. — Умуман, меҳнат жамоасини ижтимоий муҳофаза қилиш чора-тадбирлари икки йўналишда олиб борилмоқда. Биринчи йўналиш Президент фармонлари ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг ижтимоий соҳага оид қарорлари, иккинчиси жамоа шартномасида кўзда тутилган тадбирлар мажмуи асосидадир. Оддий тилда айтадиган бўлсак, болаларнинг ёзги ҳордиғи, ишчи-хизматчиларнинг дам олишлари, ҳар хил байрам тадбирлари деярли корхона ва касаба уюшмаси ҳисобидандир.

Корхона аҳлининг самарали меҳнати Ҳамза туманидаги 145-сонли ўрта мактаб, 559-болалар комбинатига, бошқа муҳтож кимса ва ташкилотларга оталиқ ёрдами

*Тармоқда иқтисодий ислоҳот*

кўрсатишга имкон бермоқда. Бир сўз билан айтганда, ишчи-хизматчиларга ва ҳомийликдаги муассасаларга ғамхўрлик эзгу одатга айланган. Корхонада ишлаб нафақага чиқиб кетганлар ҳам энг кам иш ҳақининг икки ҳиссаси миқдорида моддий ёрдам олишади. Бундан ташқари, ҳар бир нафақахўрга иккитадан акция тарқатилган.

— Иккита акция учун олаётган дивиденд пулларимиз нафақага тузуккина қўшимча бўлмоқда, — дейди корхонада салкам ўттиз беш йил ишлаган уруш ногирони А. Белков. — Агар завод янада кўпроқ даромад қилса, бизнинг дивиденд пулларимиз ҳам ошиши турган гап. Шу сабаб меҳнат аҳли, маъмуриятни дуо қилиб, ишларига ривож тилаб юрибмиз.

Корхонанинг ҳиссадорлик жамиятига айланиши ишчи-хизматчилар онги, феъл-атворида қандай ўзгаришларга олиб келди?

— Ишдан бўйин товлаш ҳоллари умуман барҳам топди, — дейди шароб қуйиш цехи бригадири Заҳро Жаъфарова. — Ҳатто касаллик варақалари ҳам жуда зарур ҳолларда олинади. Чунки, корхонанинг иш якунлари, умумий даромад ҳар бир кишининг қандай ишлашига боғлиқ эканлигини кўпчилик жуда яхши англаб етган.

Ольга Ивановна Ерушева бу ерда 1956 йилдан буён меҳнат қилади. 23 йилдирки, диспетчер.

— Авваллари шанба куни иш чиқиб қолса, ялиниб-ёлвориб келишга зўрға кўндирардик. Эндиликда ишлаб чиқариш режаларининг бажарилиши сал хавф остида қолса, ишчи-хизматчиларнинг ўзлари шанба кунлари ҳам меҳнат қилишга ташаббускор бўлишмоқда, — дейди у. — Бунинг боиси фақат олинадиган дивиденд пулларида эмас, балки меҳнат кишисига кўрсатилаётган ғамхўрликлар самараси ҳамдир.

Дарвоқе, қорнимга эмас, қадримга йиғлайман, деган гап бежиз айтилмаган. Ҳамма нарсани пулга чақишни тўғри деб бўлмайди. Қадр-қиммат кўрмаса, энг даромадли, «ёғлиқ» жойларни ҳам ташлаб кетадиган кишилар оз эмас. Шунинг учун ҳам очиқ турдаги «Тошкентвино» ҳиссадорлик жамиятида ижтимоий муҳофаза, елкадошлик доимо диққат марказида.

— Бунинг сабабларидан бири корхонамиз раҳбари оддий ишчиликдан фолиятини бошлаб, ишлаб чиқаришнинг турли босқичларидан ўтгани бўлса керак, — дейди ҳисобчи Фарида Йўлдошева. — Шахсан мен билан ҳам бир йил ёнма-ён ўтириб ишлаганлар...

Айтилганлардан бу ерда ҳамма нарса хамирдан қил суғургандек осон кечяпти, деган бирёқлама хулоса келиб чиқмаслиги керак. Муваффақиятли хўжалик юритиш, мўмай даромад топиш осон иш дейиладиган бўлса, нима учун қатор турдош корхоналарда молиявий аҳвол ҳавас қиларли эмас, баъзи корхоналарда дивиденд у ёқда турсин, ойлик маош муаммога айланган?

Шундан келиб чиқиб, муаммолар билан қизиқдим.

— Муаммолар йўқ эмас, — дейди Муроджон Маҳмудович. — Лекин меҳнат жамоаси аҳил бўлса, ҳамжиҳатлик билан иш олиб борилса, кўп нарсанинг уддасидан чиқиш мумкин. Биз учун муҳими, юртимизда тинчлик-осойишталик ҳукмрон бўлиб, ишчанлик, бунёдкорлик кайфияти кун сайин мустаҳкамланаётганидир. Бунга шароит яратиб берган республикамиз раҳбариятига минг раҳмат. Эл-юрт тотув бўлса, ҳар ким ўз иш ўрнига виждонан меҳнат қилишга ўргана борса, ечилмайдиган муаммо борми?!

Очиқ турдаги «Тошкентвино» ҳиссадорлик жамиятининг шу кунлардаги қизғин фаолияти билан яқиндан танишган киши бу гапларга тўла ишонч ҳосил қилади.

**Ш. АЛЛАМОВ,**
**«Қишлоқ ҳаёти» мухбири.**



**«Тошкентвино» маҳсулотларининг харидорлар ўртасида шуҳрат топишида, сўзсиз, марказий лаборатория ходимлари — катта кимёгар, деярли қирқ йилдан буён шу ерда ишлаб келаётган Мунира Исломова ҳамда техника назорат бўлими муҳандиси Дилором Жабборoваларнинг ҳам муносиб ҳиссалари бор.**

**Н. МУҲАММАДЖОНОВ олган суратлар.**





**СУРАТЛАРДА: 1. Ишчи Марҳабо Исаеванинг чеҳрасидаги мамнунлик меҳнат жамоасининг истиқболга ишончини ўзида мужассамлаштирган, десак хато қилмаган бўламиз.**
**2. Заҳро Жаъфарова корхонада йигирма беш йилдан буён ҳалол тер тўкиб келмоқда. Ҳозир у маҳсулотга акциз маркалари ёпиштириладиган қурилма ишини назорат қилади.**

# КАСБУ ИЛМ — БАХТУ ТАХТ

Мамлакатимиз истиқболи кўп жиҳатдан бугунги ёшларнинг камолига, билимию иқтидорига, ватанпарварлигию фидойилигига боғлиқ. Ватанимиз тақдири учун жавоб берадиган иймон-эътиқодли, билимдон, баркамол ёшларни тарбиялашдек муҳим вазифа эса биринчи галда халқ маорифи ходимлари зиммасига юкланган.

Шуни таъкидламоқчиманки, барча жабҳаларда ислоҳотларни чуқурлаштириш туманимиздаги халқ таълимига қарашли мактабларда ҳам яққол кўзга ташланмоқда. Лоақал баҳолаш жараёнини олиб кўрайлик. Илгарилари фанни ўзлаштирганлар бир хил баҳоланарди. Эндиликда баҳолашнинг кўпёқлама тизимига ўтилган. Бу усулни рейтинг йўли билан баҳолаш ҳам дейилади. Яъни, ўқувчининг синфдан ташқари ишларда қатнашуви, фанларни чуқур ўзлаштириши, ахлоқи, жамоатчилик фаолияти ҳам қўшилиб баҳоланади. Бошқача айтганда, она тили ва математика фанидан бир чоракда 500 балл олган ўқувчи аълочи ҳисобланади.

Бундан мақсад бола тарбиясига кўпёқлама ёндошиш, шу йўсинда иймон-эътиқодли, билимдон, юксак маданиятли, бой маънавиятга эга бўлган комил инсонни тарбиялаб етиштиришдир. Фан тўгаракларига ўқувчиларнинг 80 фоизи жалб этилган, 28 ўқувчини бирлаштирган тикувчилик тўгараги қизларимизни ҳунарли қилишда катта аҳамият касб этяпти. Тўгарак учун 9 та тикув машинаси ажратилган, қизларимиз бу ерда бемалол тикиш-бичиш ишларини бажарадилар. Ўзлари ва бошқа ўқувчиларга мактаб формалари тикадилар. Ўзига хос бу кичик корхонамиз ўқувчиларни меҳнатга тайёрлашга ҳисса қўшиши билан бирга жамоамизнинг ўзини ўзи маблағ билан таъминлашига ҳам хизмат қилаётир. Мактаб билан ҳудудимизга жойлашган «Ёрқишлоқ» корпорацияси ўртасида ўзаро шартнома тузилган. Шунга кўра, мактаб корпорацияга дала юмушлари учун ҳар йили 1000 та атрофида этак, чорвадорлар учун иш қўлқоплари, соғувчилар учун пешбандлар тайёрлаб беради. Корпорация эса ўз навбатида бажарилган иш ҳақи ҳисобига мактабни таъмирлаш ишларига кўмаклашади.

Ўтган ўқув йилида 9-синфни тамомлаган 75 нафар ўқувчининг бир қисми мазкур тикув тўгарагида тикувчилик касбини эгаллади.

## Тарбияга янгича қараш

Президентимиз қишлоқ ёшларининг камолга етишувида касб-ҳунарнинг бебаҳолиги ҳақида кўп бор куюниб гапирдилар. Бундан буён таълим жараёнини ана шу кўрсатмага уйғунлаштириб ташкил қиляпмиз. Ҳамма ердагидек, Ёрқишлоқда ҳам миллий ҳунармандчиликни дил тўрида асраган қўли гул устазодалар кўп.

Машғулотларда қўлигул ҳунармандлар жалб этилиб, «бир йигитга қирқ ҳунар оз» мавзуида кўрик-танловлар ўтказиш, болалар қўли билан ясалган ҳунармандчилик намуналари бўйича кўргазмалар уюштириш анъанага айланган.

Бу йилги 9 синфни тамомлайдиган 84 ўқувчининг келгусида ижтимоий фойдали меҳнат билан шуғулланиши, маълум касб-ҳунар эгаси бўлишига ёрдамлашиш учун қишлоқ ўрамидаги корхоналар билан кенгашиб олганмиз. Айниқса, қишлоқ фуқаролар йиғини ҳузуридаги меҳнат бўлими нозири Муродилжон Миролимов ҳамда участка милиция капитани Хотамжон Жумабоев билан ҳамкорликда ёшларни иш билан таъминлаш, тарбияси қийин йигит-қизларни назоратга олиш ва уларни ижтимоий фойдали меҳнатга жалб этишга эътиборни кучайтирмоқдамиз. Сўровлар натижасида қишлоқдаги 436 нафар киши ишсизлар мақомини олганлиги маълум бўлди. Буларнинг аксарияти ёшлардир. Уларга мактабимизни битираётганларни ҳам қўшадиган бўлсак, кўрсаткич ортиши табиий.

Излаган имкон топади. Ишсизликнинг олдини олиш юзасидан қишлоқ фуқаролар йиғини бошчилигида аниқ дастур ишлаб чиқдик. Шукрки 2 та жамоа хўжалиги, машина-трактор паркининг қишлоқ бўлими, механизациялашган қурилиш автосафи, савдо ишлаб чиқариш ҳиссадорлик жамоаси сингари ўндан зиёд кичик ва ўрта корхоналар ишлаб турипти. Айни кунда 123-механизациялашган қурилиш автосафидаги 20 та, консерва цехида 14 та, ип-йигирув ва тўқув корхонасида 17 та иш ўрни мавжуд. Тадбиркор сифатида кичик корхоналар очиб халқимизнинг оғирини енгил қилаётган бешиксозу дурадгорлар, дўппи, сўзана тикувчи ҳунармандларни ёшлар тарбиясига жалб эттираётирмиз. Халқ ҳунармандчилиги бўйича туман танлов кўригининг ғолибларидан Эргашбой Султонов, сўзана устаси Рўзихон Режабовалар ўрта мактабни битираётган талабаларни шогирдликка олишга жон диллари билан рози бўлишди.

Ҳа, ҳар бир қишлоқ ёшининг тақдири, турмуш тарзи, эртанги ҳаёти жамоатчилик эътиборида бўлиши зарур. Зеро, ёшлар мамлакатимиз келажаги, буюк давлат ворисларидир.

**Султонхон ШАРИПОВА,**
**Жалолқудуқ туманидаги 3-мактаб директори.**

Бухоронинг нақшинкор мис лалиларию офтобалари, нафис қуббадор шамдону дуо-оятлар ила сайқалланган кўзаларнинг шуҳрати қадим замонлардан бери жаҳон аҳлини ҳайратга солган. Бу ерга ташриф буюрган меҳмон борки, ана шу ноёб санъат дурдоналаридан сотиб олиб, уйининг тўрига қўйиб, ундан ҳар куни завқ-шавқ олишни ният қилади. Бу эзгу ишда эса уларга Бухоро умрбоқий мерос ҳунармандлар уюшмаси кандакорлари ҳамкорлик қилишмоқда. Тойир Қосимов ана шу уюшманинг аъзоси. У 28 йилдан бери кандакорлик касбида ишлаб, маҳоратини ошириб бормоқда. Айни кунда қўли гул уста шаҳарнинг 2500 йиллик тўйига атаб ноёб кандакорлик буюмларига сайқал бермоқда.

СУРАТДА: уста кандакор Тойир Қосимов.

**Ҳ. ҚУРБОНОВ олган сурат.**



# КУЧЛИ САККИЗЛИК АНИҚЛАНДИ

Футбол бўйича Ўзбекистон кубоги учун нимчорак финал баҳслари поёнига етди. Эслатиб ўтамиз: дастлаб олий ва биринчи лиганинг 40 жамоаси биллур совринни қўлга киритиш учун мусобақага киришганди.

Тўғри, олий лигада ўтган йили дастлабки саккиз ўринни эгаллаган командалар айнан ушбу босқичда талабгорлар сафига қўшилишлари жоиз эди. Шунга кўра дастлабки босқичлардан муваффақиятли ўтган жамоаларнинг етакчилари билан тўп суришлари мухлисларни қизиқтираётганди.

Ҳақиқатан ҳам аксарият учрашувлар муросасиз кечди. Чунончи «Пахтакор» — «Орол» (Нукус) баҳсида дастлабки беллашувда 1:1 ҳисоби қайд этилганди. Такрорий ўйинда Қибрайда мезбон сифатида майдонга тушган пахтакорчилар амалда устунлик ким томонида эканлигини исботлашга аҳд қилганлари яққол сезилди. 30-лаҳзадаёқ Моргулис тўп киритган бўлса, танаффусга қадар ҳисоб 4:0 га етди. Иккинчи бўлимнинг бошланишида меҳмонлар сафидан бир ўйинчи қўполлиги учун майдондан четлатилгандан сўнг «Орол»нинг аҳволи баттар таранглашадигандек туюлганди.

Амалда бунинг тескариси содир бўлди. Тошкентликларнинг уч тўпига нукусликлар ҳам уч тўп билан жавоб қайтаришди ва якунда 7:3 ҳисоби қайд этилди.

«Нефтчи» — «Хоразм» учрашувида дастлабки ўйинда урганчликлар 3:2 ҳисобида ғолиб чиқишганди. Такрорий беллашувда мамлакатнинг тўрт карра чемпиони рақибига ҳеч қандай имкон қолдирмади — 7:0.

Биринчи лигада пешқадам-

## Ўзбекистон кубоги



лик қилаётган «Темирйўлчи» (Қўқон) олий табақа аъзоси, ушбу мавсумда ўйини унчалик қовушмаётган «Андижон»ни икки бор мағлубиятга учратди — 4:2 ва 2:0. Ўтган йилги чемпион «Навбаҳор» ҳам «Чилонзор»дан икки бора устун келди — 1:0 ва 4:0.

«Атласчи» дастлабки ўйиндаги мағлубият аламини олиб, «Бухоро»ни 3:1 ҳисобида енгган бўлса-да, бу кейинги босқичга чиқиш учун кифоя қилмади. Чунки бухоролик футболчилар биринчи учрашувда 5:0 ҳисобида ғолиб чиқишганди. Худди шундай ҳолат «Косонсой» — «Дўстлик» баҳсида ҳам кузатилди.

5:1 ҳисобидаги дастлабки ғалаба пойтахт вилояти чарм тўп усталарига курашни давом эттириш ҳуқуқини берди — 4:2 ҳисобидаги ғалаба косонсойликларга шунчаки тасалли бўлиши мумкин, холос.

Жиззахда дурангга (2:2) эришган МҲСК такрорий ўйинда «Суғдиёна»дан сузсиз устун келди — 4:1. Энг муросасиз баҳс «Трактор» — «Насаф» беллашувида қайд этилди. Томонлар 2:0 ҳисобида ўз майдонларида ғалабага эришганларидан сўнг пировард натижада ўн бир метрлик жарима тўплари тепишга тўғри келди. Бўнда омад «Насаф» футболчиларига кулиб боқди — 4:3.

Шундай қилиб, чорак финалда «Пахтакор», «Дўстлик», «Темирйўлчи», «Насаф», МҲСК, «Навбаҳор», «Нефтчи» ва «Бухоро» биллур соврин учун баҳсларни давом эттиришади.

**Шермуҳаммад ЙЎЛДОШ ўғли.**

# ЁШ ПОЛВОНЛАР

**Пешку тумани Навоий номли жамоа хўжалигида спорт устаси Исроилжон Каримов бошчилигида миллий кураш тўгараги ишлаб турибди. Унга 50 нафардан ортиқ қишлоқ ёшлари аъзо. Улар туман ҳамда вилоят мусобақаларида фаол иштирок этиб, совринли ўринларни эгалламоқдалар. «Қалъа» қишлоғида ўтказилган тадбирда курашчилар яна ўзларини кўрсатишди. Ёқуб Ҳамроев, Санъат Тошев, Зариф ва Ориф Латиповлар, Фаррух Рамазонов ва Искандар Каримов каби ёш полвонларнинг чаққон ва эпчилликларидан қишлоқ аҳли беҳад хурсанд бўлишди.**

**С. ҚОДИРОВ.**

# АЁЛНИ АСРАНГ

— Фотима холанг ёшлигида бир қиз бўлгандики... Оқи оқ, қизили қизил эди. Икки ўрим сочи кўйлаги билан бараварлашиб тўлғонганда қараб тўймасдинг. Шу ҳолида кўзикиб қолади деб дарровгина узатиб юбордик. Кўчқордай ўғил кўрди. Бир куни келди, танимай қолдим болагинамни. Кўзлари ич-ичига ботиб рангиям олиниб қопти. Чақалоғи билан чарчабди деб ўйладим. Кейин билсам, эмизикли ҳолига яна юкли бўлибди. Ичимдан зил кетдим: Ўшанда кўнглим алдамаган экан, болам шўрлик ҳолдан кетиб туғруқ пайтида жон берди...

Гапираётиб энам йиғлаб юборар ва эски сандиқни очиб сарғайиб кетган суратни олиб, юзига босиб «мени кечир, болам» деб шивирларди. Шунда ўша суратга кўзим тушган: Фотима холам! «Наҳотки, ўшанда шундай гўзал жувонни асраб қолиш имкони бўлмаган?». Ҳозир-чи?

Бугун иложи бўлмаган нарсанинг ўзи йўқ. Уҳолда нега Фотима холамнинг аҳволига тушиб қолаётган навжувон келинчаклар учраяпти? Йилма-йил фарзанд кўриш оқибатида хасталикка чалиниб, сўнг ўзини ўнглолмаётган аёллар бола тарбиясига ярармикинлар? Ахир, гўдакни тарбият этмоқ учун ҳам етарли куч-қувват ва яхши кайфият зоҳир бўлмоғи керак-ку!

Бундан уч йил аввал «Соғлом авлод учун» Халқаро хайрия жамғармаси таъсис этилди. «Соғлом авлод — соғлом жамият негизи» дастури асосида ибратли ишлар, муҳим тадбирлар амалга оширилаётир. Лекин бу тадбирларнинг мазмун-моҳияти чекка қишлоқлар аёлларига ҳам ўз вақтида етаётирми? Муаммолар ечими аввало аёл юрагида ҳал бўлаяптими? Асосий гап шунда...

Биз масаланинг илдизини узоқроқдан изламоғимиз зарур бўлади. Шу ўринда бир нарса ёдимга тушади. Бундан беш йиллар илгари Самарқанднинг чекка бир қишлоғида аёллар мени гапга тутишди. «Ҳозир ҳамма жойда болани камайтиринглар дейишаётганмиш, шу ростми?» дейишди. «Йўқ бундай эмас — дея тушунтирдим мен уларга. — Туғиладиган ҳар бола оралиғидаги муддатни узайтиринглар, шунда она ҳам, бола ҳам соғлом бўлади» дейишяпти. Шунда аёллардан бири бу гапга қарши чиқди: «Мана мен, ўнта бола туққанман. Ҳаммасининг ораси икки ёшдан. Лекин, бирор марта ҳам «вой, жоним» демаганман. Болаларим ҳам тетик-тетик, фақат, кейинги пайтда тез-тез касал бўляпман. Қарияпман-да, энди...». Бу аёл ҳали элликка ҳам бормаганди. Аслида шу аёл ўнта боласи ташвишлари аро елиб-югуриб, уларни оёққа тургазгунича ўзини ўйламай яшагани чеккан машаққатлари сабаб соғлигидан путур кетгани ва бунида ўзи сезиб-сезмай қариликка йўяётганини билармикин? Йўқ айтсангизда у тан олмаслиги аниқ.

## Маънавият

Баъзи аёлларимиз «ўтмишда оналаримиз кўп фарзанд туғиб ҳам самбитдай бўлиб юришган бизга нима қиларди?» деб ўйлашади. Шу жиҳатдан қизу келинларига ҳам ўз сўзларини ўтказишади. «Ёшлик пайтингларда кўпроқ бола орттириб олинглар юмалашиб катта бўлишар» дейишади. Оқибатда қўлидаги гўдаги сутга тўймай туриб яна юкли бўлаётган келинчаклар ўз соғлиқларини кетказиш билан бир қаторда туғилажак боласининг соғлигини ҳам йўқотишмоқда. Ахир, халқимизда «Ўғил болани ўттиз ой, қиз болани йигирма тўрт ой эмизиш керак» деган азалий гап ҳам бор-ку!

Умуман, она сути ҳақида кўп гапирилади. Шундай бўлса-да хасталик туфайли сути қуриб қолаётган ёҳуд болани эмизмасдан сутли қуруқ аралашмалар билан боқаётганлар бу кун кўп учрайдилар. Ваҳоланки, Жаҳон Соғлиқни сақлаш ташкилотининг маълумотига кўра, агар чақалоқ онасини камида олти ой эмса ҳар йили дунё бўйича бир миллиондан зиёд гўдакни ўлимдан асраб қолиш мумкин экан! Сунъий озуқалар билан ўсаётган болаларга қараганда эмизикли болаларда касалликка чалиниш 2,5 баравар озроқ кузатилади. Айниқса, ўткир ичак касалликларидан ўлиш хавфи эмизиклиларда 25 маротаба камаяркан...

Ўзбекистонда ҳар йили минглаб болалар дунёга келади. Уларнинг ҳар бирига биз юртимизнинг келажаги деб қарашимиз лозим. Демак, ҳар бир бола жамият келажагини барпо этувчи улуғ кишилар бўлиб етишиши зарур. Бунинг учун уларни билимдон, зукко, замонавий илмлар, хорижий тиллар, компьютер техникасини мукаммал эгаллаган, руҳан ва жисман бақувват қилиб ўстириш лозим. Ўз-ўзидан маълумки, озод юртнинг ободлиги, жамиятнинг қудратли бўлмоғи ана шу болаларнинг билими, куч ва салоҳиятига боғлиқдир. Агар биз аёлни асрасак, миллатни, Ватан келажагини асраган бўламиз. Буни ҳеч вақт унутмаслик зарур.

**Гулчеҳра ЖАМИЛОВА.**

## Бу ажиб дунё

### ТИШИ ОҒРИМАЙДИГАН ҚАВМ

**Бир гуруҳ тиш шифокорлари Тибет тоғлари тепасида, денгиз сатҳидан 4000 метр баландликдаги диний мактабларга ташриф буюришди. Ҳиндистоннинг шимолидаги овлоқ жойларга уларнинг келишлари сабаби бу ерда тиш оғриғи нима эканлигини билмайдиган қавмлар яшаши ҳақидаги гап-сўзлар эди.**

**Шифокорлар ўша мактабларда қўним топган бир юз элликдан кўпроқ кишиларни кўрикдан ўтказишди. Улар сафида ўспиринлар ҳам, аср билан юзлашган қариялар ҳам бор эди. Кўрикдан ўтганларнинг етмиш фоиздан кўпроғида биронта ҳам қурт тушган ёки хасталанган тиш бўлмай, қолганларида бир-икки тишгина шикастланган эди, холос.**

**Ҳолбуки, бир неча чақиримгина узоқликда жойлашган, лекин Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ҳомийлигидаги бошқа бир диний мактабда истиқомат қилувчиларнинг тишлари аянчли ҳолатда эди. Бинобарин, тишларнинг турлича аҳволда эканини ирсий, табиий шароит билан изоҳлаб бўлмасди. Тибетликлар тиш чўтка нималигини билишмайди. Гоҳи-гоҳидагина чўпнинг бир учини юмшатиб, ўша билан тишларини тозалаб қўйишади.**

**Тадқиқотчилар турлича тахминларни таҳлилдан ўтказиб, якдил хулосага келишди: ҳамма гап овқатланишга боғлиқ экан. У ерда яшайдиганларнинг асосий таоми-тибет чойидир. Унга қовурилган сули, сода, қўтос сутидан олинган ёғ қўшилиб ичилади. Кундалик тамадди шолғом, сабзи, картошка, баъзан гуручни ҳам ўз ичига олади. Гўшт ейилмайди, қанд-қурсни яқингача умуман кўришмаган ҳам.**

**Тишлари ишдан чиққан болакайлар эса европача овқатланишга ўтишган бўлиб, гўшт, консерва, ҳар хил ширинликлар билан тамадди қилишади, чойни қанд билан ичишади...**

# БОЛАЛАР ҲОМИЙСИ

**Сирдарё туманидаги 21-ўрта мактаб ўқувчилари чуқур ва мустаҳкам билим олиш билан биргаликда, турли мавзуларда ўтказилаётган кечалар, учрашувлар, тарбиявий соатларда фаол иштирок этмоқдалар. «Малик» жамоа хўжалигининг муҳташам клуби яқинда ўқувчилар, ўқитувчилар, ота-оналар ва меҳмонлар билан тўлди. Ўқувчиларнинг мучал тўйлари нишонланди. Тантанани мактабнинг тарбиявий ишлар бўйича раҳбар ўринбосари Эгам ака Оққўзиев очди. У 25 та тўй болани табриклаб, аждодлардан мерос бўлиб қолган бу анъана моҳияти ҳақида тўхталди. Сирдарё туман ҳокимининг ўринбосари Насибахон Ашурматова мучал тўйи билан болажонларни қутлади. Маънавий баркамоллик, иймон-эътиқод ва ахлоқий, ҳаётнинг маъносини қандай тушуниш инсоннинг ички дунёсини гўзал этади. Ватан, халқ олдидаги бурчни оқлаш ҳам юксак маънавиятлилик белгисидир. «Соғлом авлод учун» жамғармаси туман бўлимасининг раиси Мавлудахон Ҳусаинова ва мактаб ота-оналар қўмитасининг раиси Муқаддас Дадажоновалар ёшларни муборакбод этишди.**

**7-ўрта мактабнинг 5-синф ўқувчиси Камола Маҳкамова ўзининг Зуҳра арияси, Нодира ғазали билан айтиладиган «Эй сарви равон» қўшиғи билан йиғилганларни ҳайратга солди. Маънавият миллий ғурур асосида шакллантирилади. Адабиёт ва санъат, маданият асарлари, урф-одатлари, анъаналар, удумлар инсоннинг маънавиятини юксалтиришга, миллий ғурурни шакллантиришга хизмат қилади.**

**Турли-туман ноз-неъматларга тўла тўй дастурхонига ош тортилди. Тўй болажонлар шаънига қўшиқ, шеър, лапарлар янгради. Бу тантанани ўтказишда ҳаммадан ҳам муаллима Маликахон Жумаеванинг хизмати катта бўлди. Мучал тўйига ҳомийлик қилган Сирдарё туман «Камолот» жамғармасига мактаб жамоаси миннатдорчилик билдирди.**

**У. ЗАЙНУЛЛАЕВА, ўқитувчи.**



**Оиласидан кўнгли тўқ кишининг меҳнати баракали, турмуши ширин бўлади. Сайхунобод туманидаги «Шўрўзак» ширкатлар уюшмасида яшовчи Бобо Муҳаматовлар оиласи республикамиздаги бахти баркамол, серфайз хонадонлардан бири. Оилада 7 нафар фарзанд ота-она меҳрига қониб, бекаму-кўст вояга етишмоқда. Уй бекаси Шарифахон уйим-жойим дейдиган оқила, чевару пазанда аёл. Унинг меҳр қуёши тафтидан хонадон аҳлига оқибат, саховат нурлари таралиб, оилага хайру барака инмоқда.**

**СУРАТДА: бахтиёр оила сарбонлари эрка дилбандлари Ҳасан ва Зуҳрахонлар билан.**

**Н. МУҲАММАДЖОНОВ олган сурат.**

Тошкент шаҳар С. Раҳимов туманидаги 310-ўрта мактаб томонидан Ирматов Афзал Ҳикматиллаевич номига берилган АО № 005639 рақамли шаҳодатнома йўқотилганлиги туфайли бекор қилинади.

Тошкент шаҳар Миробод туманидаги «Раъно» хусусий ишлаб чиқариш фирмаси тугатилади. Даъволар эълон босилган кундан бошлаб бир ой давомида қабул қилинади.

Тошкент шаҳар Миробод туманидаги «Пантроф» хусусий ишлаб чиқариш тижорат фирмаси тугатилади. Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой мобайнида қабул қилинади.

Р. Р. Шредер номидаги Ўзбекистон боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-текшириш институти ва унинг виночилик филиали жамоалари кекса ходим, филиал узумчилик бўлими бошлиғи, қишлоқ хўжалик фанлари номзоди

**Муҳаммадкарим МУСАМУҲАМЕДОВнинг**

вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ҳамда қариндошларига чуқур таъзия изҳор этади.

Поп туманидаги «Ғурумсарой» хўжалиги жамоаси бошқарув раиси Ғафуржон Қўчқоровга волидаси

**ҚУРБОНОЙ АЯнинг**

вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдирадилар.

Бош муҳаррир Неъмат ЁҚУБОВ

Таҳрир ҳайъати: Маркс ЖУМАНИЁЗОВ, Расулмат ҲУСАНОВ, Маҳмуд МИРЗАЕВ, Эркул ЗИКРИЁЕВ, Сиддиқжон МУҲАМЕДЖОНОВ, Мирғиёс ҚАЮМОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Суннатилла САЙДАЛИЕВ, Обиджон ҒОФУРОВ (масъул котиб), Равшан БОБОМУҲАМЕДОВ.

ҲОМИЙ: «Ўзқишлоқхўжаликтаъминоттузатиш» давлат-ширкат қўмитаси

«Қишлоқ ҳаёти» — «Қишлоқ ҳақиқати» газетасининг вориси

МАНЗИЛИМИЗ: 700083, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32

ТЕЛЕФОНЛАР, Муҳаррир ўринбосарлари — 33-44-43, 33-16-27. Масъул котиб — 33-09-93. Деҳқончилик бўлими — 36-56-35, 36-54-51. Ижтимоий ҳаёт ва адолат бўлими — 36-56-30. Маданият, адабиёт ва санъат бўлими —36-56-36. Ахборот ва спорт бўлими — 36-54-54. Шикоят ва хатлар бўлими — 36-54-52.

Рўйхатдан ўтиш тартиб рақами 6. Буюртма Г— 0365, ҳажми 2 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-2. Босишга топшириш вақти 21.00. Босишга топширилди 21.10

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй. Газета IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. 1 2 3 4 6.